

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

ХОДЖАЕВА МУҲАББАТ САЛИМОВНА

**УМУРТҚА АРТЕРИЯСИ СИНДРОМИ ФОНИДА
ВЕРТЕБРОБАЗИЛЯР ТИЗИМ ИШЕМИЯСИ КЛИНИК-
НЕВРОЛОГИК ВА ИММУНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ходжаева Муҳаббат Салимовна

Умуртка артерияси синдроми фониди вертебробазиляр тизим ишемияси клиник-неврологик ва иммунологик хусусиятлари3

Ходжаева Муҳаббат Салимовна

Клинико-неврологические и иммунологические особенности ишемии вертебробазилярной системы на фоне синдрома позвоночной артерии25

Khodjaeva Mukhabbat Salimovna

Clinical-neurological and immunological features of vertebrobasilar system ischemia against the background of vertebral artery syndrome47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

ХОДЖАЕВА МУҲАББАТ САЛИМОВНА

**УМУРТҚА АРТЕРИЯСИ СИНДРОМИ ФОНИДА
ВЕРТЕБРОБАЗИЛЯР ТИЗИМ ИШЕМИЯСИ КЛИНИК-
НЕВРОЛОГИК ВА ИММУНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/Tib3356 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ходжиева Дилбар Таджиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хайдарова Дилдора Кадыровна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Аманова Умида Тўлқиновна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етақчи ташкилот:

С.Д.Асфендияров номидаги миллий тиббиёт университети (Қозоғистон)

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «10» декабрь соат 14³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200126, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23. Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: info@bsmi.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (108 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200126, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2024 йил «25» ноябрь кuni тарқатилди.

(2024 йил « » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).




Д.И. Туксанова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раис ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор


Н.Ш. Ахмедова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент


Г.А. Ихтиярова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бош миёда қон айланишининг бузилиши долзарб тиббий-ижтимоий муаммо ҳисобланади. Дунёда вертебробазилар тизим ўткир қон айланишининг бузилиши жами инсультнинг 30%ини, ўткир қон айланиши бузилишининг 70%ини ташкил қилади¹. Вертебробазилар тизим ишемик инсульт жами инсультнинг 15-20%ини ташкил этиб, ташхис қўйишнинг қийинлиги ва оғир кечиши билан тавсифланади. Базилар артериянинг ўткир окклюзияси бу тизимдаги қон айланиши бузилишининг энг оғир кечадиган тури бўлиб, жами ишемик инсультларнинг 4%ини ташкил этади. Спондилоген вертебробазилар етишмовчилик (умуртқа артерияси синдроми) бўйин умуртқаси соҳасида умуртқа артериясининг экстравазал таъсири натижасида миёда қон айланиши танқислигига олиб келишидир. Бу соҳа ишемик инсульт кўпинча қийин аниқланадиган клиник белгилар билан кечади, тўсатдан мотор нуқсон ривожланиши мумкин. Натижада беморлар узок йиллар мобайнида касаллик асорати билан яшашга маҳкум бўлмоқда ва ҳаёт сифатининг пасайиши кузатилмоқда.

Жаҳон миқёсида ишемик инсульт ҳақида сўз борганда асосий тадқиқотлар каротид ҳавзадаги инсультларнинг тарқалиши, патогенези, клиникаси, диагностикаси, даволаш ва оқибатларига қаратилганлигини, шу ўринда вертебробазилар инсультлар, хусусан умуртқа артерияси синдроми фонида келиб чиққан вертебробазилар тизим ишемияси борасида оқсаётганлигини кўриш мумкин. Умуртқа артерияси синдроми фонида келиб чиққан вертебробазилар тизим ишемиясини даволашда касалликнинг патогенези, клиник-неврологик хусусиятларига эътибор бермаслик, нотўғри тактиканинг қўлланилиши самарали текширув ва даволаш услубларини, хусусан вена ичи тромболизисини² кўриб чиқишни тақозо қилади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва уни жаҳон талабларига тенглаштириш борасида мақсадли ва амалий тадбирлар амалга оширилмоқда, вертебробазилар тизим ишемияси бўлган беморларда асоратларнинг олдини олиш, эрта ташхислаш ва комплекс даволашнинг самарадор усулларини ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш...»³ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар доирасида беморларда вертебробазилар тизим ишемиясини комплекс даволашда тромболитик терапия самарадорлигининг клиник-неврологик,

¹ Ng A.C. Posterior circulation ischaemic stroke. Am J Med Sci.2022;1:148-159.

² Dornak T., Kral M., Sanak D., Kanovsky P. Intravenous thrombolysis in posterior circulation stroke. Front Neurol. 2019;1:151-161.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сонли «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.

нейрофизиологик ва нейровизуал таъсирини баҳолаш амалиётини амалга ошириш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сонли «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республикамизда фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Умуртқа артерияси синдроми фонида келиб чиққан вертебробазиляр тизим ишемияси ишемик инсультларнинг нисбатан кам ўрганилган тури бўлиб, шу сабабли кўпгина тадқиқотчиларни қизиқтиради. Ушбу муаммо кўплаб чет эл ва Россия тиббий нашрларида ёритиб ўтилган (Ситель Д.А., 2016; Стаховская Л.В., 2017; Schulz U.G., 2017; Mantilla-Garcia D., 2017; Толмачев А.П., 2019; Кощев А.Ю., 2019; Дмитриев О.В., 2020).

Спондилоген вертебробазиляр етишмовчилик турли босқичларининг клиник кечиши, ҳаёт фаолиятининг чекланиши ўрганилган (Ситель Д.А., 2016). Бирламчи қон томир маркази шароитида вертебробазиляр тизим инфаркти ва ўткинчи ишемиясининг клиник хусусиятлари, ундаги неврологик танқислик қиёсий ўрганилган (Ҳасанов И.А., 2017). Вертебробазиляр етишмовчиликда умуртқа артериясининг I сегментида реконструктив операция қилиш орқали экстравазал муаммони бартараф этиш жорий этилган (Дмитриев О.В., 2020). Олд зинасимон мушак патологиясининг вертебробазиляр етишмовчиликка олиб келиши ўрганилиб, оператив даво усули таклиф этилган (Кощев А.Ю., 2019). Вертебробазиляр тизим инсультида тромболитик восита қўлланилиб, Рэнкин шкаласи бўйича ўрганилган (Толмачев А.П., 2019).

Ўзбекистонда олимлар томонидан вертебробазиляр ҳавзада ишемик инсульт билан оғриган беморларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилишнинг комплекс усуллари ишлаб чиқилган, вертебробазиляр ҳавзада ишемик инсульт ўпка сурункали обструктив касаллиги билан коморбид ҳолатда келган беморлар тоифаси ўрганилган ва ушбу коморбидликнинг ўзаро таъсири аниқланган, математик моделлаштириш асосида вертебробазиляр ҳавзада ишемик инсульт оқибатини башоратлаш алгоритми ишлаб чиқилган, вертебробазиляр ҳавзада ишемик инсультни бошидан кечирган беморларнинг ногиронлик суръатини камайтириш ва ҳаёт сифатини ҳамда ишга

лаёқатлилигини яхшилашга ёрдам берувчи реабилитация усуллари такомиллаштирилган (Бахадирова М.А., 2021).

Умуртқа артерияси синдроми фонида келиб чиққан вертебробазиляр тизим ишемиясини текшириш ва даволашнинг самарали усуллари кўриб чиқиш, беморларга тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, самарали реабилитация усуллари ишлаб чиқиш, мавжуд алгоритмни такомиллаштириш, бемор билан ишлашнинг ягона принципини ишлаб чиқиш касалликнинг патогенези ва клиник-неврологик хусусиятларини ҳисобга олишни талаб қилади ва бу ушбу тадқиқот мавзусини танлаш учун асос бўлди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институтининг (01.2022PhD.150) «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усуллари ишлаб чиқиш (2022-2026 йй.)» илмий-тадқиқот ишлари режаси бўйича амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади: умуртқа артерияси синдроми фонида вертебробазиляр тизим ишемиясининг клиник-неврологик, иммунологик хусусиятларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

умуртқа артерияси синдроми фонида келиб чиққан вертебробазиляр тизим ишемиясининг субъектив, клиник-объектив ва вегетатив-томир хусусиятларини ўрганиш;

умуртқа артерияси синдроми фонида келиб чиққан вертебробазиляр тизим ишемиясида лаборатор, невровизуал, иммунологик ҳолатни баҳолаш;

коморбид фоннинг умуртқа артерияси синдроми фонида келиб чиққан вертебробазиляр тизим ишемияси билан касалланиш даражаси, қон оқими кўрсаткичлари динамикаси ва даво алгоритми шакллантирилишига боғлиқлигини ўрганиш;

умуртқа артерияси синдроми фонида келиб чиққан вертебробазиляр тизим ишемиясида медикаментоз комплекс даволаш усуллари самарадорлигини қиёсий баҳолаш;

касаллик олди ва касаллик даврларида беморларни амбулатор ва стационар шароитда олиб бориш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2016-2022 йиллар давомида Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази (РШТЎИМ) Бухоро филиалида турли ёшдаги 153 нафар умуртқа артерияси синдроми фонида вертебробазиляр тизим ишемияси билан касалланган бемор ва назорат гуруҳи сифатида 30 нафар соғлом шахслар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида клиник-неврологик, нейрофизиологик, невровизуал, иммунологик текширув натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник-неврологик, нейрофизиологик, невровизуал, иммунологик ва статистик усуллардан

фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

умуртқа артерияси синдроми фонида келиб чиққан вертебробазиляр тизим ишемиясида вегетатив-томир хусусиятлари баҳоланиб, симпатик тизим патологияси устунлиги ва геморрагик трансформацияга айланиш хавфи пастлиги исботланган;

умуртқа артерияси синдроми фонида келиб чиққан вертебробазиляр тизим ишемиясида П-10 нинг ошиши ва тромболитик хусусият орасидаги боғлиқлигига асосланиб унинг прогностик аҳамияти исботланган;

умуртқа артерияси синдроми фонида келиб чиққан вертебробазиляр тизим ишемиясида брахиоцефал артерия стенози ва гипергликемия ва инсульт ҳажми орасидаги корреляцион боғлиқлик асосланган;

умуртқа артерияси синдроми фонида келиб чиққан вертебробазиляр тизим ишемиясида мия қон айланиши келиб чиқиш даврийлигига кўра медикаментоз комплекс даволаш усулларининг самарадорлиги қиёсий баҳоланиб, поғонали даволаш ва профилактика қилиш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот инсультдан кейинги дастлабки уч соат ичида тромболитик терапияни бошлаш клиник яхшиланишни сезиларли даражада оширишини аниқлаган. Бу маълумот стационарларда тромболитик терапияни самарали бошлаш учун жараёнларни оптималлаштиришга ёрдам беради;

тадқиқот нейровизуал текширувларни ишемия даражаси ва неврологик яхшиланиш билан боғлашда фойдаланиш мумкинлигини кўрсатган. Бу маълумотларни қўллаб, даволаш режимини аниқроқ белгилаши ва беморнинг тикланиш прогнозини яхшироқ баҳолаши мумкин;

тадқиқот цитокинлар профилини аниқлаш орқали даволашга бўлган иммун жавобни баҳолаш имконини тақдим этган, бу ёндашув беморларнинг шахсий даволаш режимларини яратишда қўлланилиши мумкин;

тадқиқотда кўрсатилганидек, коморбид касалликлар бўлган беморларда қон оқими кўрсаткичлари ва даволаш самарадорлиги орасида боғлиқлик аниқланган. Бу маълумотлар даволаш режаларини беморларнинг шахсий эҳтиёжларига мослаш учун фойдаланилиши мумкин;

маълум бўлган ташхислаш дастурлари асосида умуртқа артерияси синдроми фонида келиб чиққан вертебробазиляр тизим ишемиясида клиник-неврологик ва иммунологик механизмлар ёритиб берилди, невролог ва умумий амалиёт шифокорлари учун ташхислаш имконини берувчи комплекс лаборатор ва нейровизуал текширув усуллари ишлаб чиқилди ҳамда неврологик илмий-текшириш маркази стационар ва амбулатор шароитида фойдаланиш учун таклиф этилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот жараёнида замонавий усул ва ёндашувнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник-неврологик, нейрофизиологик, нейровизуал, иммунологик ва статистик тадқиқот

усулларига асосланганлиги, натижаларнинг халқаро ҳамда маҳаллий тажриба билан таққосланганлиги, хулосалар ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти умуртқа артерияси синдроми фонида вертебробазиляр тизим ишемияси билан касалланган беморларда клиник-объектив, неврологик ва нейрофизиологик бузилишларни динамикада тўғри таҳлил қилиб бориш, когнитив, шахсий-эмоционал бузилишларни динамикада баҳолаб бориш ва чуқур ўрганиш, қиёсий ташхис ўтказиш, шунингдек даволаш муолажаларини ўз вақтида ва исботланган тиббиётга асосланиб ўтказиш, касаллик терапиясида янгича даволаш усулларида фойдаланиш касалликнинг ривожланишини камайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти умуртқа артерияси синдроми фонида вертебробазиляр тизим ишемияси билан касалланган беморларда даволаш ва ташхислашни такомиллаштириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умуртқа артерияси синдроми фонида келиб чиққан вертебробазиляр тизим ишемиясида клиник-неврологик, лаборатор, нейровизуал текширувлар динамикаси бўйича олинган илмий натижалар асосида амалиётга татбиқ қилиш материаллари ишлаб чиқилган;

умуртқа артерияси синдроми фонида келиб чиққан вертебробазиляр тизим ишемиясида реперфузион терапия қўлланилишидан олинган илмий натижалар асосида «Умуртқа артерияси синдроми фонида келиб чиққан вертебробазиляр тизим ишемиясини даволаш усуллари такомиллаштириш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгашининг 2023 йил 18 декабрь 23-м/162-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаси беморларда реперфузион терапия қўлланилишининг клиник аҳамиятини очиб бериш имконини берган;

умуртқа артерияси синдроми фонида келиб чиққан вертебробазиляр тизим ишемияси мавжуд беморларда клиник-неврологик, иммунологик хусусиятларни ўрганишдан олинган илмий натижалар асосида «Умуртқа артерияси синдроми фонида вертебробазиляр тизим ишемиясининг клиник-неврологик, иммунологик хусусиятларини ўзига хослигини аниқлаш усуллари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгашининг 2023 йил 18 декабр 23-м/161-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаси беморларда клиник-неврологик хусусиятларни аниқлаш имконини берган;

умуртқа артерияси синдроми фонида келиб чиққан вертебробазиляр тизим ишемияси мавжуд беморларда клиник-неврологик, нейровизуал ва иммунологик текширувларнинг корреляцион таҳлили ҳамда даволашда реперфузион терапиянинг қўлланилиши бўйича олинган илмий натижалар Бухоро вилояти Шофиркон туман тиббиёт бирлашмаси, Бухоро вилояти Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси клиник амалиётига тадбиқ этилган (2024

йил 10 февраль 24-х/018-сон хулосаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши умуртқа артерияси синдроми фонида келиб чиққан вертебробазиляр тизим ишемияси мавжуд беморларда клиник-неврологик хусусиятларни ўрганиш, иммунологик бузилишларни эрта ташхислаш ва даволаш муддатларини қисқартириш, профилактик ёрдам сифатини ошириш, мазкур касалликни даволашда реперфузион терапиядан фойдаланишни йўлга қўйиш ҳамда касаллик асоратларининг олдини олиш имкониятини берган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: умуртқа артерияси синдроми фонида вертебробазиляр тизим ишемияси кўпинча леталликка олиб келиб, аксари вазиятларда ногиронлик ҳолати кузатилишига, беморнинг ҳаёт сифати кескин тушиб кетишига, жамиятдан узилиб қолишига, меҳнатга лаёқатсизлик кунлари кўпайишига олиб келади. Умуртқа артерияси синдроми фонида вертебробазиляр тизим ишемиясини ташхислашда доплерография, бош мия магнит-резонанс томографияси (МРТ), мультиспирал компьютер томографияси (МСКТ), иммунологик текширув усулларида фойдаланиш касаллик оғирлик даражасини ўз вақтида аниқлаш ва унга мувофиқ мақбул даво чоралари қўлланилишини таъминлайди. Пировард натижада беморнинг ҳаёт сифати яхшиланишига эришилади.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги куйидагилардан иборат: умуртқа артерияси синдроми фонида вертебробазиляр тизим ишемиясида комплекс терапиянинг қўлланилиши неврологик симптомларнинг тез яхшиланишига, ҳаётий фаолиятнинг барқарорлашишига ва реабилитация имкониятларининг ошишига ёрдам берган. Бу эса беморларнинг стационар даволаш муддатини 3,9 кунга камайишига олиб келган. Хулоса: бир кунлик стационар даволаниш нархи 520 мингга ташкил қилган, беморларда ётоқ кунининг қисқариши ҳисобидан ҳар бир бемордан 2200000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 6 та республика, 2 та хорижий ва 1 та Scopus журналларда нашр этилган, 1 та ЭҲМ дастури тавсия этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хотима ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 136 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предметлари

тавсифланган, мазкур тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Умуртқа артерияси синдроми фониди вертебробазилар тизим ишемияси клиник-неврологик хусусиятларининг замонавий таҳлили**» уч бўлимдан иборат бўлиб, унда вертебробазилар тизим қон айланишининг ўзига хослиги, умуртқа артерияси синдроми фониди келиб чиққан вертебробазилар тизим ишемиясини ташхислаш, даволаш, қиёсий ташхисоти ва олдини олишга оид замонавий қарашлар, вертебробазилар тизим ишемиясини даволашда тромболитик терапия предикторларининг аҳамияти ёритилган. Адабиётлар шарҳи орқали сўнгги 10 йилда қўлланилган ва тавсия этилган даволаш усулларининг афзаллиги ва камчилиги назарий таҳлил қилинган, шунингдек, муаммонинг ҳал қилинмаган ёки аниқлик талаб қиладиган томонлари кўрсатилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Умуртқа артерияси синдроми фониди вертебробазилар тизим ишемияси материал ва усуллари**» клиник материал ва тадқиқот усулларининг умумий тавсифига бағишланган, шунингдек, олинган натижани статистик қайта ишлаш усуллари келтирилган. Илмий-тадқиқот иши 2016-2022 йилларда РШТЁИМ Бухоро филиали стационар шароитида даволанган вертебробазилар инсульт ташхиси мавжуд 153 нафар беморнинг клиник-неврологик, нейровизуал, иммунологик, инструментал текширув услублари таҳлилларига асосланган.

Беморларнинг ўртача ёши – $61,95 \pm 9,96$. Уларнинг 79 (51,63%) нафарини эркак ва 74 (48,37%) нафарини аёллар ташкил қилган. Беморларнинг ёш бўйича тақсимланишининг ўзига хослиги барча ёшдаги гуруҳларда эркаклар устун келиши билан тавсифланади. Даво муолажаларини баҳолаш мақсадида беморлар икки гуруҳга ажратиб ўрганилган. Биринчи гуруҳни 61 нафар умуртқа артерияси синдроми фониди вертебробазилар тизим ишемияси кузатилган ва анъанавий даво муолажалари қўлланилган беморлар, иккинчи гуруҳни умуртқа артерияси синдроми фониди вертебробазилар тизим ишемияси кузатилган ва реперфузион терапия олган 92 нафар бемор ташкил қилган бўлса, назорат гуруҳини деярли соғлом 30 нафар инсон ташкил этди.

Клиник-неврологик, нейровизуал, иммунологик текширувлар ўтказилди. Умуртқа артерияси синдроми фониди келиб чиққан вертебробазилар тизим ишемияси билан касалланган беморларда неврологик бузилишлар NIHSS, Оргогозо, Бартел шкалалари бўйича баҳоланди. Вегетатив бузилишларни аниқлаш мақсадида Кердо индекси ва Хильденбрандт коэффициентидан фойдаланилди. Барча гуруҳларда неврологик кўрик ўтказилиб, бош мия МРТ, МСКТ текширувлари, брахиоцефал артерияларни дуплекс сканерлаш, ультратовуш доплерографияси, иммунологик ўзгаришларни баҳолаш мақсадида яллиғланиш олди (интерлейкин (IL)-1 β , IL-6) ва яллиғланишга қарши (IL-10) цитокинлар текширувлари ўтказилди.

Олинган маълумотлар шахсий компьютерда Microsoft Office Excel –2013 дастури бўйича ўрнатилган статистик ишлов бериш функцияларидан фойдаланган ҳолда ўртача арифметик кўрсаткич (M), ўртача стандарт хатолик (m), нисбий қиймат (частота, %), хатолик эҳтимоли (p)ни аниқлаш орқали ҳисобланди. Ўрганилаётган кўрсаткичларнинг ўртача қийматлари ўртасидаги фарқларнинг ишончлилигини баҳолаш учун Стъудент кўрсаткичи(t)дан фойдаланилди. Ўртача қийматлардаги фарқлар $p < 0,05$ аҳамиятлилик даражасида бўлганда статистик жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланди. Шу билан бирга, клиник ва лаборатор тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш бўйича мавжуд кўрсатмаларга риоя қилинди (Зайцев В.М. ва бошқ., 2003).

Диссертациянинг «Умуртқа артерияси синдроми фонида вертебробазилар тизим ишемияси клиник-неврологик ва нейровизуал ҳолатини баҳолаш» деб аталган учинчи бобида умуртқа артерияси синдроми фонида келиб чиққан вертебробазилар тизим ишемияси мавжуд беморларда клиник-неврологик, нейровизуал, иммунологик бузилишларнинг динамикада баҳоланишида олинган натижалар кўрсатиб берилган. Умуртқа артерияси синдроми фонида келиб чиққан вертебробазилар тизим ишемияси мавжуд беморлар анамнезида аниқланган касалликлар таҳлили ўтказилган (1-жадвал).

1-жадвал

Тадқиқот гуруҳларида беморлар анамнезидаги касалликлар

Анамнез	Таққослаш гуруҳи, n=61			Асосий гуруҳ, n=92			χ^2	p
	abs	M, %	m	abs	M, %	m		
Артериал гипертензия	42	68,85	5,93	73	79,35	4,22	2,164	0,141
Миокард инфаркт	14	22,95	5,38	24	26,09	4,58	0,193	0,660
Инсульт	11	18,03	4,92	5	5,43	2,36	6,217	0,013
Қандли диабет	11	18,03	4,92	6	6,52	2,57	4,921	0,027
Бўлмачалар фибрилляцияси	18	29,51	5,84	8	8,70	2,94	11,264	0,001

Инсултнинг патогенетик турлари TOAST (Trial of Org in Acute Stroke Treatment) мезонларига мувофиқ белгиланди. Таққослаш гуруҳи беморларида инсултнинг атеротромботик тури 42,63%ни, кардиоэмболик тури 32,79%ни, лакунар тури 6,56%ни, бошқа сабабларга кўра келиб чиққан инсулт 11,48%ни, ноаниқ сабабли инсулт 6,56%ни ташкил қилган бўлса, асосий гуруҳ беморларида инсултнинг атеротромботик тури 38,04%ни, кардиоэмболик тури 58,70%ни, лакунар тури 1,09%ни, ноаниқ сабабли инсулт 2,17%ни ташкил қилди.

Беморларнинг объектив, клиник-неврологик кўригида меъёрдан бир қатор оғишлар кузатилди. Жумладан, таққослаш гуруҳи беморларида бош оғриғи 9,84%ни ташкил қилди. Беморларнинг 55,74%ида ҳуши ўзида эканлиги, 44,26%ида эс-ҳуш хиралашуви аниқланди. Гемиянопсия 29,51%ни, кўз ҳаракати ўзгаришлари 52,46%ни, нистагм 24,59%ни, анизокория 16,39%ни, прозопарез 78,69%ни, мучаллар парези 57,38%ни, атаксия 77,05%ни, сезги бузилишлари 49,18%ни, дизартрия 72,13%ни ташкил этди.

Асосий гуруҳ беморларида эса бош оғриғи 22,83%ни ташкил қилди. Беморларнинг 52,17%ида хуши ўзида эканлиги аниқланди. Эс-хуш хиралашуви 44,57% беморда аниқланди. Гемипарезия 30,43%ни, кўз ҳаракати ўзгаришлари 42,39%ни, нистагм 28,26%ни, анисокория 22,83%ни, прозопарез 64,13%ни, мучаллар парези 51,09%ни, атаксия 61,96%ни, сезги бузилишлари 45,65%ни, дизартрия 55,43%ни ташкил этди. ABCD2 шкаласи маълумотлари таққослаш гуруҳи беморларида паст хавф 81,97%, ўрта хавф 18,33% эканлигини, асосий гуруҳ беморларида эса паст хавф 80,43%, ўрта хавф 19,57% эканлигини кўрсатди.

NIHSS шкаласи беморлар муружаат қилган куни ўрганилганда таққослаш гуруҳи беморларида $14,95 \pm 0,10$, асосий гуруҳ беморларида $14,91 \pm 0,08$ баллни ташкил этди ва бу ҳар иккала гуруҳ беморларида оғир неврологик бузилишлар мавжудлигини билдиради (2- жадвал). Беморларда кузатилган оғир неврологик танқислик адекват даво чоралари қўллашни талаб қилади.

2- жадвал

Тадқиқот гуруҳларида NIHSS шкаласи бўйича кўрсаткичлар

NIHSS шкаласи (балл)	Таққослаш гуруҳи		Асосий гуруҳ		Манн-Уитни мезони	
	М	m	М	m	Z	p
1-суткаси	14,95	0,10	14,91	0,08	-0,289	0,773


153 нафар беморларнинг 17 нафарида ташхисни тасдиқлаш учун бош миянинг МРТ, қолган 136 нафарида МСКТ ёрдамида текширув ўтказилди. МРТ текшируви ўтказилганда гипо- ва изоденсив ўчоқларнинг мавжудлиги, қоринчаларнинг ҳолати, мия бўшлиқларига аҳамият қаратилди. МРТ ёки МСКТ текшируви касаллик бошланишидан 40 дақиқадан 550 дақиқача вақт оралиғида ўтказилди. Асосий гуруҳ беморларида КТ-текшируви касаллик бошланишидан 3 соатгача бўлган даврда 56,7% беморда, 3 соатдан 4,5 соатгача бўлган даврда 33,3% беморда, 4,5 соатдан 6 соатгача бўлган даврда 6,7% беморда, 6 соатдан ортиқ давр ўтганда 3,3% беморда ўтказилди. Таққослаш гуруҳи беморларида КТ-текшируви касаллик бошланишидан 3 соатгача бўлган даврда 68,3% беморда, 3 соатдан 4,5 соатгача бўлган даврда 31,7% беморда ўтказилди.

Асосий гуруҳ беморларида КТ-текширувида ишемик инсультга хос белгилар 61,0% ҳолатда, таққослаш гуруҳи беморларида эса 30,0% ҳолатда аниқланди. Ҳар иккала гуруҳ беморларида ишемик инсультнинг илк томографик белгиларини баҳолаш мақсадида рс-ASPECTS (Alberta Stroke Program Early CT score) шкаласидан фойдаланилди. Бунда таламус, катта яримшарларнинг энса бўлаги, мияча яримшарлари, ўрта мия ва кўприк, думсимон ядро бошчаси, чувалчангсимон ядро, ички капсула ва оролча соҳаси баҳоланди. Ишемик инсультнинг илк томографик белгилари бўлмаган беморлар бу шкала бўйича 10 баллдан зиёд балл тўплашди. Ҳар бир гиподенсив соҳа учун 1 баллдан айрилди ва натижа чиқарилди. Таламус, энса бўлаги, мияча яримшари учун 10 баллдан 1 балл айрилди. Ўрта мия ва кўприк учун 2 баллдан айрилди. Баллар йиғиндиси 7 баллдан юқори бўлганда қониқарли деб баҳоланди. Баллар йиғиндиси 7 балл ва ундан паст бўлганда

қоникарсиз деб ҳисобланди. Нейровизуаллаш усуллари (КТ) маълумотларига кўра, таҳлил қилинаётган гуруҳларда энса соҳаси инфарктлари 61 (39,9%) нафар беморда, мияча яримшарлари инфаркти 45 (29,4%) нафар беморда, мия кўприги инфаркти 31 (20,2%) нафар беморда, таламус инфаркти 16 (10,5%) нафар беморда аниқланди.

Асосий гуруҳ беморларида гиподенсив соҳалар таламусда 20,0%, ўрта мияда 10,0%, кўприкда 6,7%, миячада 10,0%, энса бўлагидида 6,7% ҳолатда аниқланди. Таққослаш гуруҳи беморларида илк томографик белгилар сифатида гиподенсив соҳа ўрта мияда 5,3%, кўприкда 18,4%, миячада 10,5%, таламусда 7,9% ҳолатда аниқланди.

Ҳар иккала гуруҳ беморларида рс-ASPECTS шкаласи бўйича баллар 2 баллдан 10 гачани ташкил этди. Ҳар иккала гуруҳда рс-ASPECTS шкаласи бўйича баллар 5 дан 10 гачани ташкил этиб, ўртача 9,2 баллни ташкил этди. 7 баллдан ортиқ тўплаган беморлар асосий гуруҳда 83,2%ни, таққослаш гуруҳида 89,5%ни ташкил этди (1-расм). Беморларда рс-ASPECTS шкаласи бўйича баллар >7 бўлганда леталлик юқори кўрсаткични ташкил этди, бунда жараёнга қандли диабет кўшилиб келиши юқори намоён бўлди.



1- расм. Тадқиқот гуруҳларида рс-ASPECTS шкаласи бўйича баллар йиғиндиси

Допплерография натижалари жинсга кўра ўрганилганда умуртқа артериясининг узунлиги эркакларда ўнг томонда $21,5 \pm 2,6$ см ни, чап томонда $22,78 \pm 1,6$ см ни, V4 узунлиги ўнг томонда $3,23 \pm 0,96$ см ни, чап томонда $3,8 \pm 0,6$ см ни, V4 диаметри ўнгда $0,26 \pm 0,08$ см ни, чапда $0,3 \pm 0,06$ см ни ташкил этиши аниқланди. Аёлларда умуртқа артериясининг узунлиги ўнг томонда $24,2 \pm 3,9$ см ни, чап томонда $24,48 \pm 3,02$ см ни, V4 узунлиги ўнг томонда $3,23 \pm 0,32$ см ни, чап томонда $3,3 \pm 0,36$ см ни, V4 диаметри ўнгда $0,32 \pm 0,04$ см ни, чапда $0,32 \pm 0,06$ см ни ташкил этиши аниқланди (3- жадвал).

3- жадвал

Умуртқа артерияси доплерографиясининг жинсга боғлиқ ҳолда кўрсаткичлари

Кўрсаткич, см		Ўнг томон	Чап томон	p
Эркаклар	Умуртқа артерияси узунлиги	$21,5 \pm 2,6$	$22,78 \pm 1,6$	0,26
	V4 узунлиги	$3,23 \pm 0,96$	$3,8 \pm 0,6$	0,04
	V4 диаметри	$0,26 \pm 0,08$	$0,3 \pm 0,06$	0,00
Аёллар	Умуртқа артерияси узунлиги	$24,2 \pm 3,9$	$24,48 \pm 3,02$	0,86
	V4 узунлиги	$3,23 \pm 0,32$	$3,3 \pm 0,36$	0,33
	V4 диаметри	$0,32 \pm 0,04$	$0,32 \pm 0,06$	0,91

Аёлларнинг 61%ида чап умуртқа артерияси узунроқ, 33%ида ўнг умуртқа артерияси узунроқ, 6%ида иккала умуртқа артериясининг узунлиги бир хил. Эркакларнинг 84%ида чап умуртқа артерияси узунроқ, 16%ида эса ўнг умуртқа артерияси узунроқ эканлиги аниқланди. V4 узунлиги текширилганда аёлларнинг 71%ида чап томон узунроқ, 29%ида ўнг томон узунроқ эканлиги, эркакларда эса 67%ида чап томон узунроқ, 27%ида ўнг томон узунроқ эканлиги, 6%ида эса иккала томон тенглиги аниқланди.

Тадқиқот гуруҳларида доплерографик кўрсаткичлар таҳлил қилинганда таққослаш гуруҳи беморларида ўнг умуртқа артериясининг диаметри $2,95 \pm 0,71$ мм ни, чап умуртқа артериясининг диаметри $3,22 \pm 0,70$ мм ни, умуртқа артериясининг умумий диаметри $6,37 \pm 0,81$ мм ни ташкил этди. Асосий гуруҳ беморларида ўнг умуртқа артериясининг диаметри $2,96 \pm 0,70$ мм ни, чап умуртқа артериясининг диаметри $3,22 \pm 0,70$ мм ни, умуртқа артериясининг умумий диаметри $6,38 \pm 0,82$ мм ни ташкил этди. Назорат гуруҳи беморларида эса ўнг умуртқа артериясининг диаметри $3,8 \pm 0,5$ мм ни, чап умуртқа артериясининг диаметри $3,8 \pm 0,4$ мм ни, умуртқа артериясининг умумий диаметри $7,12 \pm 0,5$ мм ни ташкил этди (4-жадвал).


4- жадвал

Тадқиқот гуруҳларида доплерографик маълумотлар

Умуртқа артериясининг диаметри, мм	Таққослаш гуруҳи	Асосий гуруҳ	Назорат гуруҳи
Ўнг томон	$2,95 \pm 0,71$	$2,96 \pm 0,70$	$3,8 \pm 0,5$
Чап томон	$3,22 \pm 0,70$	$3,22 \pm 0,70$	$3,8 \pm 0,4$
Умумий диаметри	$6,37 \pm 0,81$	$6,38 \pm 0,82$	$7,12 \pm 0,5$


Ҳар иккала гуруҳ беморларида доплерографик текширувда умуртқа артерияси томонидан ўзгаришлар, яъни V1-V2 ҳамда V3-V4 сегментларида шикастланиш борлиги аниқланди. Ҳар иккала гуруҳ беморларининг таҳлил натижалари стенозли жараённи кўрсатиб, V1-V2 умуртқа артериясидаги патологик жараёнларнинг жами 64%и рс-ASPECTS бўйича >7 баллга мос келди. 20% ҳолатда рс-ASPECTS бўйича 7 баллга тенг, 32% ҳолда рс-ASPECTS бўйича 7 баллдан паст кўрсаткичга тўғри келди. Шу билан бирга беморларда базиляр артерия ва умуртқа артерияси V3-V4 сегменти шикастланишлари ҳам аниқланди ($p=0,023$).

Брахиоцефал транскраниал ва интракраниал томирларнинг ҳолатини баҳолаш мақсадида дуплекс сканерлаш усулидан фойдаланилди. Шикастланиш сабаби (атеросклероз, тромбоз, эмболия, диссекция), жараён локализацияси, артерия бўшлиғи редукцияси баҳоланди. Асосий гуруҳ беморларида стенозловчи-окклюзияловчи жараёнлар умуртқа артериясининг V1-V2 сегментига 56,7%, V3-V4га 26,7%, базиляр артерияга 13,3%, базиляр артерия+V3-V4га 3,3%, таққослаш гуруҳи беморларида умуртқа артерияси V1-V2 сегментига 51,2%, V3-V4га 28,9%, базиляр артерияга 9,8%, базиляр артерия+V3-V4га 5,3% ҳолатда тўғри келган (2-расм).



2-расм. Тадқиқот гуруҳларида дуплекс сканерлаш усули ёрдамида аниқланган стеноз даражаси

Асосий гуруҳ беморларида стенознинг жойлашиш ўрнига кўра клиник белгилар қуйидагича намоён бўлди: V1-V2 сегменти стенозида прозопарез 85,0%, анизокория 20,0%, нистагм 45,0%, кўз ҳаракатининг бузилишлари 50,0%, гемианопсия 30,0%, ўлим билан яқунланиш 10,0% учради. V3-V4 сегменти стенозида прозопарез 87,5%, анизокория 37,5%, нистагм 50,0%, кўз ҳаракатининг бузилишлари 75,0%, ўлим билан яқунланиш 12,5% қайд қилинди (3-расм).



3-расм. Тадқиқот гуруҳларида окклюзияловчи шикастланишларнинг ASPECTS шкаласига боғлиқлиги

Базиляр артерия стенозида ўлим, прозопарез, кўз ҳаракатининг бузилишлари 100%ни ташкил этди. Базиляр артерия шикастланиши V3-V4 стенози билан қўшилиб келганда ўлим ва кўз ҳаракатининг бузилишлари 100%ни ташкил этди.

Диссертациянинг тўртинчи боби «Умуртқа артерияси синдроми фонида вертебробазиляр тизим ишемиясини комплекс даволаш натижалари»да умуртқа артерияси синдроми фонида келиб чиққан вертебробазиляр тизим ишемиясида тромболитик терапиянинг самарадорлиги ўрганилган. Таққослаш гуруҳи беморларига инсультнинг анъанавий давоси қўлланилган. Асосий гуруҳ беморларига тромболитик сифатида фибриноген рекомбинант тўқима активатори (rt-PA) (Альтеплаза) 0,9 мг/кг тана вазнига микдорида юборилган, дорининг 10%и вена ичига тез, қолган қисми вена ичига томчилаб 60 дақиқа мобайнида юборилган. Тромболитик терапия ўтказилиш вақтида ҳар 15 минутда, сўнгра 23 соат мобайнида ҳар 1 соатда NIHSS шкаласи бўйича бемор аҳволи баҳолаб борилган.

Тромболитик терапия қилинаётган вақтда дастлабки 2 соат ичида ҳар 15 дақиқада, кейинги 6 соат ичида ҳар 30 дақиқада, кейинги 16 соат ичида ҳар 1 соатда қон босими кўрсаткичи ўлчаб борилди. Тромболитик терапия ўтказиш бошланганидан 74 соат ичида юрак қисқариш сони, нафас сони, тана ҳарорати ва сатурация кузатиб борилди. Тромболитик терапия ўтказиш бошланганидан 24 соат ўтгач, геморрагик трансформацияни инкор этиш мақсадида динамикада бош мия МСКТ текшируви ўтказилди. Тромболитик терапия ўтказилган биринчи кунда беморга катетер ва зондлар қўйилмади, томирлар катетерланмади ва мушак ичи инъекциялари бажарилмади. Фақат динамикада МСКТ ўтказилиб, геморрагик трансформация инкор этилгач, кўрсатмага кўра антикоагулянт ёки антиагрегант восита тавсия қилинди. Тромболитик терапиядан сўнг беморларга аспирин ва клопидогрел 75 мг комбинацияси берилди.

Бартел шкаласи маълумотлари таққослаш гуруҳи беморларида касалликнинг 7-суткасида $44,92 \pm 0,53$ баллни, 14-суткасида $56,23 \pm 0,65$ баллни, 21-суткада $66,23 \pm 0,65$ баллни ташкил этди (5-жадвал). Олинган натижалар 7-суткада оғир ногиронликни, 14-суткада ва 21-суткада ўрта ногиронлик белгилари мавжудлигини кўрсатди. Асосий гуруҳ беморларида кўрсаткичлар касалликнинг 7-суткасида $45,05 \pm 0,43$ баллни, 14-суткасида $56,36 \pm 0,52$ баллни, 21-суткада $66,36 \pm 0,52$ баллни ташкил этди. Олинган натижалар 7-суткада оғир ногиронликни, 14-суткада ва 21-суткада ўрта ногиронлик белгилари мавжудлигини кўрсатди.

5-жадвал

Даволашдан олдин ва кейин тадқиқот гуруҳларида Бартел шкаласи натижалари

Кўрсаткич, балл	Таққослаш гуруҳи		Асосий гуруҳ		Манн-Уитни мезони	
	М	m	М	m	Z	p
7-суткаси	44,92	0,53	45,05	0,43	-0,202	0,840
14-суткаси	56,23	0,65	56,36	0,52	-0,171	0,864
Вилкоксон мезони	Z	-7,269	-8,922			
	p ¹	0,000	0,000			
21-суткаси	66,23	0,65	66,36	0,52	-0,171	0,864
Вилкоксон мезони	Z	-7,810	-9,592			
	p ¹	0,000	0,000			

Изоҳ: p - гуруҳлар орасидаги ишончлилик фарқи; p¹ - олдинги тадқиқот суткасига нисбатан

Бартел шкаласи маълумотлари ногиронлик мавжудлигини кўрсатиб бериб, Оргогозо шкаласи бўйича инсульт оғирлигини баҳолаш зарурлигини кўрсатди (6-жадвал). Оргогозо шкаласи натижалари таққослаш гуруҳи беморларида касалликнинг 1-суткасида $32,46 \pm 0,32$ баллни, 2-суткасида $38,69 \pm 0,53$ баллни, 3-суткасида $43,69 \pm 0,53$ баллни, 5-суткасида $49,92 \pm 0,46$ баллни, 7-суткаси $56,23 \pm 0,28$ баллни, 14-суткаси $61,23 \pm 0,28$ баллни, 21-

суткасида $65,98 \pm 0,30$ баллни ташкил этди. Мазкур кўрсаткичлар касалликнинг илк кунларида таққослаш гуруҳи беморларида оғир инсулт мавжудлигини ва қўлланилган даво чоралари натижасида унинг “енгил” инсултга ўтганлигини кўрсатади.

Оргогозо шкаласи натижалари асосий гуруҳ беморларида касалликнинг 1-суткасида $32,5 \pm 0,26$ баллни, 2-суткасида $38,75 \pm 0,43$ баллни, 3-суткасида $43,75 \pm 0,43$ баллни, 5-суткасида $50,0 \pm 0,37$ баллни, 7-суткаси $56,25 \pm 0,23$ баллни, 14-суткаси $61,25 \pm 0,23$ баллни, 21-суткасида $66,00 \pm 0,25$ баллни ташкил этди. Ушбу кўрсаткичлар касалликнинг илк кунларида оғир инсулт мавжудлигини ва асосий гуруҳ беморларида қўлланилган даво чоралари натижасида унинг “енгил” инсултга ўтганлигини кўрсатади.

6- жадвал

Даволашдан олдин ва кейин тадқиқот гуруҳларида Оргогозо шкаласи натижалари

Кўрсаткич	Таққослаш гуруҳи		Асосий гуруҳ		Манн-Уитни мезони	
	М	m	М	m	Z	p
1-суткаси	32,46	0,32	32,50	0,26	-0,099	0,921
2-суткаси	38,69	0,53	38,75	0,43	-0,093	0,926
3-суткаси	43,69	0,53	43,75	0,43	-0,093	0,926
5-суткаси	49,92	0,46	50,00	0,37	-0,140	0,889
7-суткаси	56,23	0,28	56,25	0,23	-0,057	0,954
14-суткаси	61,23	0,28	61,25	0,23	-0,057	0,954
21-суткаси	65,98	0,30	66,00	0,25	0,000	1,000
Фридман мезони, χ^2	366,000		552,000			
p^1	0,000		0,000			

Изоҳ: p - гуруҳлар орасидаги ишончлилик фарқи; p^1 - олдинги тадқиқот суткасига нисбатан

Таққослаш ва асосий гуруҳ беморларида касалликнинг оғирлик даражасини баҳолаш мақсадида NIHSS шкаласи бўйича баллар йиғиндиси касалликнинг 1-, 2-, 3-, 5-, 7-, 14- ва 21-суткаларида ҳисобланди. Таққослаш гуруҳи ва назорат гуруҳи беморларида назоратнинг ҳар бир кунида баллар таққосланди. Таққослаш гуруҳи беморларида касалликнинг 21-кунида 1-кунига нисбатан 7,46 баллга, асосий гуруҳ беморларида 7,53 баллга пасайиш аниқланди. Ҳар иккала гуруҳ беморларида беморларнинг аҳволи яхшилангани аниқланган бўлсада, асосий гуруҳ беморларида бу айниқса, яққол намоён бўлди.

